



АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ИШИДА ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ  
ҲОДИСАЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ  
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.

Карабаев Ойбек Равшанович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ташкилий штаб  
фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10669696>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 09-fevral 2024 yil

Ma'qullandi: 10-fevral 2024 yil

Nashr qilindi: 16-fevral 2024 yil

KEY WORDS

йўл-транспорт ҳодисаси,  
таҳлил, статистика, ахборот-  
таҳлил фаолияти, йўл-  
транспорт ҳодисаларини олдини  
олиш, автомобиль, тирбандлик,  
тажриба, пиёда.

ABSTRACT

Мақолада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш ҳамда шу турдаги қоидабузарликларга қарши курашишни ташкил қилишда ахборот-таҳлил ишларининг аҳамияти юзасидан илмий ёндашувлар ўз аксини топган.

Дунёдаги соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик хизматлари бўйича етакчи компанияси - International SOS мамлакатларнинг одамлар ҳаёти учун хавфсизлиги ҳақидаги ҳисоботини тақдим этди.

Унда Ўзбекистон дунёдаги энг хавфсиз давлатлардан бири дея қайд этилган. Шу тариқа мамлакат АҚШ, Испания, Швеция, Буюк Британия, Қатар, Франция каби давлатлар билан бир рўйхатдан жой олди.

«Зўравонлик жиноятлари даражаси жуда паст. Ҳеч қандай сиёсий тазйиқ фуқароларнинг тартибсизликлари ва чет элликларга нисбатан диний ёки ирқий тажовуз кузатилмайди. Хавфсизлик ва фавқулодда вазиятлар хизматлари самарали ва инфратузилма мустаҳкам. Транспорт хизматлари юқори стандартларга эга, хавфсизлик қоидалари кучли ва фақат вақти-вақти билангина саёҳатлар тўхтатилиши мумкин». Мазкур ҳисоботда хавфсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатларга ана шундай таъриф берилган.<sup>1</sup>

International SOS энг хавфли давлатлар сифатида Афғонистон, Мали, Ливия, Ироқ, Сурия, Яман ва Украинани қайд этган.<sup>2</sup> Мақоладан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон дунёдаги энг хавфсиз давлатлардан бири сифатида эътироф этилган.

<sup>1</sup><https://kun.uz/news/2023/01/02/ozbekiston-dunyodagi-eng-xavfsiz-davlatlardan-biri-sifatida-etirof-etildi>

<sup>2</sup> Ўша манба.

Юқорида номи тилга олинган компания бу хулосага ўз-ўзидан келиб қолмаган, албатта. Бундай хулосага келиш тегишли изланишлар ва ўрганишлар натижаси бўлиб, замирида ахборот-таҳлил ишларини амалга ошириш ётади.

Инсон қадрини, унинг саломатлиги, эрки ва ҳаёти энг олий қадриятлардир. Бежизга 2022 йил Ўзбекистонда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла”, 2023 йил эса “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб эълон қилингани йўқ.

Фуқароларнинг турмуш тарзи яхшиланишини қуйидаги статистика орқали кўришимиз ҳам мумкин. Масалан 2022 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида ҳар 1000 нафар доимий аҳолига ўртача 87 та энгил автомобиль тўғри келаётган бўлса, Тошкент шаҳрида ҳар 1000 кишига ўртача 178 та энгил автомобиль тўғри келмоқда. Агар бу рақамларга жамоат транспорти, юк ташувчи машиналарни қўшадиган бўлсак, ушбу рақамлар бир неча маротаба юқорилашига гувоҳ бўламиз.

Йўллардаги бахтсиз ҳодисалар ногиронликка сабаб бўладиган ўн та асосий омиллардан биридир. Иқтисодий зарарларнинг умумий қиймати йилига беш юз миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Айрим хорижий мамлакатлар йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида муайян натижаларга эришиб, бошқа мамлакатларга нисбатан йўллардаги ўлим ҳолатларини камайтиришга эришмоқда. Хорижий илғор тажрибадан самарали фойдаланиш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари даражасини пасайтириш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу соҳадаги давлат бошқаруви фаолиятининг такомиллаштиришга хизмат қилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчилигимизга тегишли нормаларни жорий этиш йўл ҳаракати бошқаруви соҳасидаги бошқарув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришнинг устувор йўллари билан биридир. Шу билан бирга, чет эл тажрибасини кўр-кўрона ўзлаштириш етарли даражада самара бермайди, қонунчиликдаги қарама-қаршилиқларни келтириб чиқариши, у ёки бу турдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда бўшлиқларга олиб келиши мумкин. Шу оғоҳликдан келиб чиққан ҳолда, бундай ижобий тажрибани ўзлаштириш билан бирга, қонун ижодкорлиги соҳасидаги миллий ан’ана ва тенденцияларни ҳам ҳисобга олиш муҳим ва зарурдир<sup>3</sup>.

Йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлганларнинг катта қисми – 91,7 фоизи ёки 2161 нафари хавфсизлик камарини тақмаган, 8,3 фоизи ёки 195 нафари йТХ оқибатида ҳалок бўлганларнинг 195 нафари хавфсизлик камарида бўлган. Йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланганларнинг 66,9 фоизи, яъни 6426 нафари хавфсизлик камарини тақмаган, 33,1 фоизи ёки 3180 нафари камарда бўлган.

Шу ўринда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича маъмурий-ҳуқуқий механизмларини амалиётга тадбиқ этиш масалаларининг мазмун-моҳиятини англаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада украиналик ҳуқуқшунос олим В.Ф.Муцконинг йўл ҳаракати хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш – бу давлат органларининг ҳаётга зарар етказиш хавфини минималлаштириш учун транспорт воситаларида одамлар ва юкларни ташиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга таъсир

<sup>3</sup> Пикина Е.А. Опыт административно-правового регулирования управления безопасностью дорожного движения во Франции.

қилишнинг махсус усулларидадан фойдаланиш жараёни<sup>4</sup>, деган фикрига қўшиламыз. Бинобарин, йўл ҳаракати иштирокчиларининг соғлиғи, мулкый ва бошқа ҳуқуқлари, шунингдек бахтсиз ҳодисалар сони ва оғирлигини камайтириш айнан ушбу чоралар мажмуига боғлиқ, деб ҳисоблаймыз. Мазкур чоралар мажмуи турли мамлакатларда турлича шаклларда ифодаланеди.

Жаҳон амалиётига асосланиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги энг сифатли кўрсаткич деб ижтимоий хавф-хатар ва транспорт хавф-хатар кўрсаткичлари ҳисобланади. Ижтимоий хавф-хатар кўрсаткичлари аҳоли сонининг 100 минг кишига тўғри келадиган йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлганлар сонига асосланса, транспорт хавф-хатари 10 минг дона рўйхатга олинган транспорт воситаларига тўғри келадиган йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлганлар сонининг нисбатини назарда тутеди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотлар 100 минг аҳоли бошига Финляндияда – 4.9, Германияда 4.3, АҚШда 10.9 ҳалок бўлганларни ташкил этишни кўрсатди<sup>5</sup>. Шундай қилиб, хорижий мамлакатлардаги йўл ҳаракати тизимлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Сингапур, Хитой, Чехия, Финляндия, Германия ва бошқа бир қатор ривожланган мамлакатларда унинг даражаси анча юқори. Айнан хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратиб, биз ўзимизнинг йўл ҳаракати тизимимизни такомиллаштира оламиз, уни мукамал даражага етказа оламиз, йўлларда жиноятчилик ва ўлим даражасини пасайтириш имкониятига эга бўламиз.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг қайд этишича, Фарғона, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида йўл-транспорт ҳодисалари сони ортган.<sup>6</sup>

Таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, 2023 йил давомида мамлакатда йўл-транспорт ҳодисалари ва улардаги ўлим ҳолатларини 15 фоизга камайтириш вазифасини мақсад қилиб қўйган.<sup>7</sup>

Йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиниши, камайтирилишига мамлакатдаги қонунчилик ва мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб ўзига ҳос равишда эришилади. Мисол учун юртимизда, ҳайдовчилар тайёрловчи таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тартибга солувчи низом Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Низомга кўра, таълим ташкилотлари ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларини шартнома асосида қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш (ҳар 3 йилда бир марта) Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, ИИВ масъул ходимлари томонидан берилган маълумотга кўра, Тошкентдаги автобусларга қоидабузарликни қайд этувчи видеорегистраторлар

<sup>4</sup> Муцко В.Ф. Админістративно-правове регулювання безпеки дорожнього руху в Україні: автореф. дис..... канд. юрид. наук / В.Ф. Муцко. – К., 2011, – С. 10.

<sup>5</sup> Вислобокова Д.В., Амеличкин А.В. Зарубежный опыт в системе совершенствования законодательства в области безопасности дорожного движения Российской Федерации

<sup>6</sup><https://kun.uz/news/2023/02/07/ozbekistonda-yth-sonini-bir-yilda-15-foizga-qisqartirish-rejalashtirilmogda>.

<sup>7</sup> Ўша манба.

ўрнатилиши, видеорегистраторлар орқали қоидабузар ҳайдовчиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши назарда тутилган.<sup>8</sup>

Ҳозирги вақтда пойтахтимиз Тошкент шаҳрида автомобиллар сони кўпайгани туфайли йўлларда тирбандликлар юзага келиб, белгиланган манзилга етиб олишга вақт кўп сарфланмоқда. Тирбандликларга “чидай олмаган” баъзи ҳайдовчилар “тирбандлик худуди”дан қутулиши билан йўқотган вақтига “етиб олиш” мақсадида тезликни белгиланган меъёрдан ошириб, йўл-транспорт ҳодисасини юзага келтириши мумкин.

Қоидабузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш муаммоси ҳаракатланувчи воситалар пайдо бўлгандан бери юзага келишни бошлаган. 1939 йилларда Америка Қўшма Штатларида ашаддий қоидабузар ҳайдовчилар учун махсус белгили автомобиль рақамлари жорий қилинган бўлиб, бундай белгилар йўл ҳаракати қоидаларини назорат қилувчи полициячилар ишини сезиларли даражада осонлаштирган.<sup>9</sup>

Тирбандликларни камайтириш учун Япония давлатида ўзига хос ёндашилган, яъни Японияда 75 ёшдан ошган кексалар агар ўз ҳайдовчилик гувоҳномаларидан воз кечсалар, ҳукумат уларга текин ёки арзон нархларда овқатланиши учун турли хил енгилликлар (имтиёзлар) берар экан. Бир қарашда бу чора кексаларга нисбатан адолатсизликдай туюлиши мумкин, лекин бу чора Япония ҳукуматининг мамлакат йўлларидаги автоҳалокатларнинг кўрсаткичини камайтириш бўйича чиқарган оқилона қарорларидан биридир.<sup>10</sup>

Хитой давлатида ўзига йўл-транспорт қоидаларига амал қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўзига хос тажриба мавжуд бўлиб, йўлни нотўғри кесиб ўтганлар (*пиёдалар*) кўчалардаги экранларда намойиш қилинади. Шунингдек, қонунбузарларнинг картасидан автоматик тарзда жарима ечиб олинади.<sup>11</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай ҳулосага келиш мумкинки, ахборот-таҳлил ишлари фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, қонунларни ҳурмат қилишга ундовчи тарғибот сифатида кучли восита ҳисобланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиниши учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://kun.uz/news/2023/01/02/ozbekiston-dunyodagi-eng-xavfsiz-davlatlardan-biri-sifatida-etirof-etildi>
2. Пикина Е.А. Опыт административно-правового регулирования управления безопасностью дорожного движения во Франции.
3. Муцко В.Ф. Адміністративно-правове регулювання безпеки дорожнього руху в Україні: автореф. дис..... канд. юрид. наук / В.Ф. Муцко. – К., 2011, – С. 10.
4. Вислобокова Д.В., Амеличкин А.В. Зарубежный опыт в системе совершенствования законодательства в области безопасности дорожного движения Российской Федерации

<sup>8</sup> <https://telegram.me/joinchat/AAAAAFZ5VnYLLjHurlyC4w>, 21 декабрь 2022 йил.

<sup>9</sup> <https://t.me/SuratlardagiTarix>, 23 декабрь 2021 йил.

<sup>10</sup> [https://t.me/Qoyil\\_ekin](https://t.me/Qoyil_ekin), 22 декабрь 2022 йил.

<sup>11</sup> <https://telegram.me/joinchat/AAAAAFZ5VnYLLjHurlyC4w>, 13 март 2023 йил.

5. <https://kun.uz/news/2023/02/07/ozbekistonda-yth-sonini-bir-yilda-15-foizga-qisqartirish-rejalashtirilmoqda>.
6. <https://telegram.me/joinchat/AAAAAFZ5VnYLLjHurlyC4w>, 21 декабрь 2022 йил.
7. <https://t.me/SuratlardagiTarix>, 23 декабрь 2021 йил.
8. [https://t.me/Qoyil\\_ekin](https://t.me/Qoyil_ekin), 22 декабрь 2022 йил.
9. <https://telegram.me/joinchat/AAAAAFZ5VnYLLjHurlyC4w>, 13 март 2023 йил.

